

NAVOIY VILOYATI  
HOKIMINING  
QARORIРЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. Xalqlar Do'stligi 77A

г.Навои ул.Халклар Дустлиги 77А

"20" декабрь 2012 у.(г).

№ 5-188

**2013 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланиш учун 1 квадрат метрга ижара тўловининг ягона энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2012 йил 11 декабрдаги 02/14-3577-сонли хати ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари ўртасида келишилган 2013 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини инобатга олган ҳолда,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. 2013 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 1 квадрат метрга ижара тўловининг ягона энг кам ставкалари иловага асосан тасдиқлансин.

2. "Навоий вилоят давлат мулкани ижарага бериш маркази" ДУК (У.Рахматов):


Ижара ҳақи қийматини белгилашда иловада кўрсатилган кўчмас мулк учун қўлланиладиган энг кам ставкаларидан таянч сифатида фойдалансин ҳамда вилоят ҳокимининг 2010 йил 20 февралдаги 54-Қ-сонли қарори билан тасдиқланган ҳудудий зоналар коэффицентини инобатга олсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сонли қарорининг 3.1-бандига мувофиқ, давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

4. 2013 йил 1 январидан бошлаб вилоят ҳокимининг 2011 йил 21 декабрдаги Қ-227-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Раззоқов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов

Вилоят ҳокимининг  
2012 йил "26" декабридаги  
19-188 -сон қарори



2013 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик  
1 кв.метрга ижара тўловининг ягона энг кам ставкалари

Т/р	Фаолият тури кодлари	Ижара майдонига амалга ошириладиган фаолият турлари	1 м. кв. метрга ижара ставкалари (сўмда)
<b>САНОАТ</b>			
1	11 200	Ёқилғи саноати	2 500
2	13 100	Кимё саноати	2 500
3	13 300	Нефт-кимё саноати	2 500
4	14 100	Машинасозлик	2 500
5	14 200	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	2 500
6	14 300	Хисоблаш техника воситалари саноати	2 500
7	14 400	Трактор ва кишлок хўжалик машинасозлиги	2 000
8	14 500	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	2 000
9	14 600	Енгил, озик-овқат саноати ва маиший ускуналар учун машинасозлик	2 000
10	14 710	Санитар-техник ва газ ускуналарини ҳамда буюмларини ишлаб чиқариш	2 500
11	14 800	Металл конструкциялари ва буюмлари саноати	2 500
12	14 900	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	2 500
13	14 780	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	2 500
<b>ЎРМОН, ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ</b>			
14	15 100	Ёғоч тайёрлаш саноати	2 500
15	15 200	Ёғочга ишлов бериш саноати	2 500
16	15 300	Целлюлоза-қоғоз саноати	2 500
17	16 100	Қурилиш материаллари саноати	2 500
<b>ЕНГИЛ САНОАТ</b>			
18	17 100	Тўқимачилик саноати	2 500
19	17 200	Тикувчилик саноати*	2 500
20	17 300	Чарм, мўйна ва пойафзал саноати	2 500
21	17 900	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	2 500
<b>ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ</b>			
22	18 100	Озик-овқат саноати (балик, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	2 500
23	18 200	Гўшт ва сут саноати	2 500
24	18 300	Балиқчилик саноати	2 500
25	19 210	Ун-ёрма маҳсулотлари саноати	2 500
26	19 220	Омухта-ем саноати	2 000
27	19 700	Саноатнинг бошқа тармоқлари	2 500
<b>САНОАТНИНГ БОШҚА СОҲАЛАРИ</b>			
28	19 300	Тиббиёт саноати	2 500
29	19 400	Полиграфия саноати	7 000
30	19 740	Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва ишлов бериш*	3 000
31	19 900	Саноатнинг хўжалик бошқаруви	7 000

<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>			
32	21 100	Дехкончилик (шу жумладан, иссиқхоналар) 1 га	1 000 000
33	21 200	Чорвачилик	1 200
34	21 300	Балиқчилик (шу жумладан, урчитувчи корхоналар) 1 га	1 000 000
35	22 200	Ветеринария хизмати	2 500
36	22 300	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	2 500
37	30 000	Ўрмончилик хўжалиги (шу жумладан, боғдорчилик) 1 га	1 000 000
<b>ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА</b>			
38	51 111	Умумий фойдаланишдаги ер усти темир йўл транспорти	2 500
39	51 121	Транспорт инфратузилмаси (автопарк, таксопарк, автомобиль саклаш жойлари, гаражлар, автомобиль ювиш шаҳобчалари)	2 500
40	51 520	Юк ташиш хизмати ва аҳоли буюртмасига асосан бошқа транспорт-экспедиция хизматлари	4 500
41	52 100	Почта алоқаси	2 500
42	52 200	Курьер алоқаси	5 000
43	52 300	Электр-сим алоқаси	5 000
44	52 300	Электр, радио, уяли ва пейджинг алоқаси (иншоот ва технологик майдонни киритган холда қурилмалар периметри бўйича)	21 000
<b>ҚУРИЛИШ</b>			
45	60 000	Қурилиш	2 500
46	66 000	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари	2 500
<b>САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ</b>			
47	71 100	Улгуржи савдо	7 000
48	71 130	Катта партияларда товар (хизмат) сотиш фаолиятини юритувчи улгуржи савдо бозорлари	18 000
49	71 200	Чакана савдо	7 000
50	71 300	Умумий овқатланиш*	7 000
51	71 200	Китоб дўконлари*	1 000
52	71 400	Маданий-маиший ва хўжалик буюмларини ижарага бериш	7 000
53	71 500	Халқ истеъмол моллари олди-сотдисини амалга оширилишида воситачилик хизмати	11 000
54	80 000	Моддий техника таъминоти ва сотилиши	7 000
55	82 000	Ахборот-ҳисоблаш хизмати	7 000
56	82 100	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	7 000
57	83 000	Кўчмас мулк бўйича муомалалар	7 000
58	84 300	Реклама, вакиллик хизмати	7 000
59	84 400	Аудиторлик фаолияти	7 000
60	84 500	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат фаолияти, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати	7 000
61	85 000	Геология ва ер ости бойликларини қидириш, геодезик ва гидрометеорологик хизмати	12 500
62	87 100	Тахририят ва нашриёт	4 000
63	87 300	Металл ва бошқа чиқиндиларни йиғувчи тайёрлов идоралари	4 000
64	90 100	Уйжой-коммунал хўжалиги (УЖМШ объектлари)	4 000
65	90 220	Меҳмонхоналар хўжалиги	8 000
66	90 300	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	4 000
67	90 300	Сартарошхона, фотосалон, тикувхона, пойафзал устахонаси	6 000
68	90 300	Ломбардлар	9 000
69	90 300	Ҳаммом	12 000
70		Сауна ва бассейнлар	24 000

<b>СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ</b>			
71	91 510	Соғлиқни сақлаш	5 000
72	91 600	Дам олиш ва туризм*	5 000
73	91 611	Маданий кўнгиш очар марказлари (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва х.к.)	8 000
74	91 700	Жисмоний тарбия ва спорт*	2 500
75	71 212	Дорихоналар **, оптика ва тиббиёт ускуналари сотиш дуконлари	4 000
<b>ТАЪЛИМ</b>			
76	92 100	Олий ва ўрта таълим мутахассисларини тайёрлаш (ўқув курсларини хисобга олган ҳолда) *	4 000
77	92 200	Ишчи, ходимлар тайёрлаш ва малакасини ошириш*	3 500
78	92 310	Умумтаълим мактаблар (нодавлат таълим муассасалари) *	2 000
79		Таълим муассасаларида умумий овқатланишни ташкил қилиш*	2 500
80	92 400	Мактабгача таълим муассасалари (нодавлат таълим муассасалари учун)	2 000
81	93 000	Маданият ва санъат*	7 000
82	93 132	Кўрғазмалар	6 000
83	93 160	Маданият ва дам олиш боғлари*	5 000
84	93 170	Ботаника боғлари ва зоопарклар*	5 000
85	93 180	Телевидения тахририяти ва радиоалоқа	5 000
86	93 620	Киностудия, овоз ёзиш студиялари	8 000
87	95 000	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	3 000
<b>МОЛИЯ-КРЕДИТ ФАОЛИЯТИ</b>			
88	96 000	Молия, кредит (суғурта ва аудиторлик фаолиятларидан ташқари), нафақа таъминоти	7 000
89	96 100	Банк фаолияти	7 000
<b>БОШҚА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ</b>			
90	96 200	Суғурта	7 000
91	97 800	Суд ва юридик хизматлар	6 000
92	97 820	Адвокатлар ҳайъати ва юридик маслаҳатхоналари	6 000
93	98 000	Жамоат бирлашмалари	2 000
94	80 200	Омборхона биноси	7 000
95		Давлат ташкилотлари ва муассасалари учун идора (офис) мақсадида ижарага берилган бино ва хоналар	3 000
96		Хусусий ташкилотлар учун идора (офис) мақсадида ижарага берилган бино ва хоналар	11 000
97		Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари	8 000
98		Енгил ва бошқа турдаги автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	8 000
99		Ер ва тупроқ хусусиятини текшириш лабораторияси	5 000
100		Ҳар хил тўловларни қабул қилиш хизмати (пайнет)	20 000
101		Маданий мерос объектларида чакана савдони ташкил қилиш	11 000
102		Маъданий мерос объектларида умумий овқатланишни ташкил қилиш	9 500
103		Авиа кассалар (шу жумладан, темир йул, транспорт ва бошқалар )	11 000
104		Банкоматлар	100 000
105		Нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш	7 000

\* Шаҳар ва туман марказларидан узоқда жойлашган қишлоқ ва тоғ районларида, жумладан, Учқудук ва Томди туманлари, Нурота туманининг Чуя, Сентоб, Нурота ҚФЙ ва Қизилча аҳоли пунктлари, Хатирчи туманининг Лангар ва Майдонсой аҳоли пунктлари, Конимех туманининг Караката, Боймурод, Учтепа,

Янгигазгон аҳоли пунктларида – давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг ягона энг кам ставкаси 25 %га камайтирилади.


**\*\*** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сонли баёни 11-бандига асосан ҚВП (кишлоқ врачлик пункти) ҳузурида фаолият юритаётган барча мулкчилик шаклидаги дорихона муассасаларига давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам нол ставкаси қўлланилади.

**\*\*\*** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли баёни топшириғига асосан ёпик ҳарбий шаҳарчалар ва чекка горнизонларда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармасининг қуйи бўлинмаларига давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг ягона энг кам нол ставкаси қўлланилади.

**Вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва  
ижтимоий ривожлантириш масалалари  
қотибияти бош мутахассиси**

  
\_\_\_\_\_ **А.Умедов**

**Вилоят Ижара маркази Давлат  
унигар корхонаси директори**

  
\_\_\_\_\_ **У.Рахматов**